

# “Шунқорлар” ҳарбий-спорт ўйинларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги

## НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Шунқорлар” ҳарбий-спорт ўйинларини (кейинги ўринларда матнда – Ўйинлар деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ўйинлар “Амир Темур издошлари” спартакиадаси доирасида “**Ватанпарварлик – олий мақсадимиз!**” шиори остида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши раисининг Кубоги учун ташкил этилади.

3. Ўйинлар Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти (кейинги ўринларда матнда –“Ватанпарвар” ташкилоти деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда ҳар йили тўрт босқичда ўтказилади.

4. Ўйинларда иштирок этувчи жамоалар “Ватанпарвар” ташкилоти тизимидағи “Шунқорлар” ҳарбий-спорт ўйинлари байроғи ва эмблемасидан фойдаланган ҳолда, шунингдек, ушбу Низомда белгиланган талаблар асосида иштирок этадилар.

5. Ўйинлар жамоавий тарзда “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши Ҳайъати қарори билан тузилган Ташкилий қўмитанинг бевосита раҳбарлигида ўтказилади.

6. Ўйинларни ташкил этишдан асосий мақсад:

ёшларни ўз халқига, Президентига ва Ватанига садоқат ҳамда юксак ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

чакириқга қадар ёшларни Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишга қизиқишини ошириб бориши, шунингдек, ҳарбий хизмат ўташнинг зарур билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда уларни руҳан ва жисмонан чиниқишига йўналтириш;

ёшлар онгода “Ватанпарвар” ташкилоти тўғрисида тасаввурини шакллантириш, уларни ўз фаолият доирасига кенг жалб этиш;

маҳалла ёшлари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

спорtnинг техник ва амалий турларини оммалаштириш, ёшларни спорт секциялари ва тўгаракларида шуғулланишга жалб этишдан иборатдир.

### II. Ўйинларни ўтказиш ва ташкил қилиш тартиби

7. Ўйинлар жамоалар ўртасида тўрт босқичда ўтказилади:

**Биринчи босқич – маҳалла босқичи:** Ушбу босқич, ҳудудий секторлар кесимида, ҳар бир маҳалла ёшлари таркибидан ташкил топган жамоалар ўртасида ҳар йилнинг апрель ойида ўтказилади.

Ҳар бир сектордан биринчи ўринни эгаллаган жамоа туман (шаҳар) босқичида иштирок этиш хуқуқини қўлга киритади.

**Иккинчи босқич – туман (шаҳар) босқичи:** Ушбу босқич, туман (шаҳар)лар кесимида, маҳалла босқичида ҳар бир секторда биринчи ўринни эгаллаган жамоалар ўртасида ҳар йилнинг апрель ойида ўтказилади.

Ҳар бир туман (шаҳар)дан биринчи ўринни эгаллаган жамоа ҳудудий босқичда иштирок этиш хуқуқини қўлга киритади, иккинчи ўринни эгаллаган жамоа заҳира жамоа хисобланади.

**Учинчи босқич – ҳудудий босқич:** Ушбу босқич, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кесимида, туман (шаҳар)лар босқичида биринчи ўринларни эгаллаган жамоалар ўртасида ҳар йилнинг май ойида ўтказилади.

Ҳудудий босқичда биринчи ўринни эгаллаган жамоа республика босқичида иштирок этиш хуқуқини қўлга киритади, иккинчи ўринни эгаллаган жамоа заҳира жамоа ҳисобланади.

**Тўртинчи босқич – республика босқичи:** Ушбу босқич, ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар) босқичда биринчи ўринларни эгаллаган жамоалар ўртасида ҳар йилнинг май-июн ойларида ўтказилади.

## 8. Ўйинлар қўйидагича ташкил этилади:

а) биринчи босқични ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда уларда иштирок этадиган жамоаларни шакллантириш бевосита маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари, секторлар, “Ватанпарвар” ташкилотининг худудий кенгашлари ва улар тасарруфидаги муассаса (ташкилот)лар, Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади.

Ўйинлар сектордаги маҳаллалардан ташкил топган жамоалар ўртасида ўтказилади.

Ҳар бир сектор бўйича ўйинларда иштирок этган жамоалар орасидан туман (шаҳар) босқичида қатнашадиган тўртта жамоа саралаб олинади.

б) иккинчи босқични ташкил этиш ва ўтказиш бевосита “Ватанпарвар” ташкилотининг худудий кенгашлари ва улар тасарруфидаги муассаса (ташкилот)лар, Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади.

Ўйинлар маҳалла босқичида ҳар бир секторда ғолиб бўлган жамоалар ўртасида ўтказилади.

Мазкур босқичда биринчи ўринни эгаллаган жамоа худудий босқичда иштирок этади, иккинчи ўринни эгаллаган жамоа захира жамоа ҳисобланади.

в) учинчи босқични ташкил этиш ва ўтказиш бевосита “Ватанпарвар” ташкилотининг худудий кенгашлари ва Ёшлар ишлари агентлигининг худудий бошқармалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади.

Мазкур босқичда биринчи ўринни эгаллаган жамоа республика босқичида иштирок этади, иккинчи ўринни эгаллаган жамоа захира жамоа ҳисобланади.

г) тўртинчи босқични ташкил этиш ва ўтказиш бевосита “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши ва Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишга давлат бошқарув органлари ва жамоат ташкилотлари амалий ёрдам қўрсатиш мақсадида жалб этилади.

## 9. Ўйинлар белгиланган тартибда қўйидаги жойларда ўтказилади:

маҳалла босқичи – секторлар худудларида спорт мажмуаларида ёки ҳарбий қисм (дала ўқув майдони) базасида;

туман (шаҳар) босқичи – худудлардаги спорт мажмуаларида ёки ҳарбий қисм (дала ўқув майдони) базасида;

худудий (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар) босқичи – худудлардаги спорт мажмуаларида ёки ҳарбий қисмлар (дала ўқув майдони) базасида;

республика босқичи – “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши томонидан белгиланган жойларда.

10. Ўйинларнинг маҳалла, туман (шаҳар) ва худудий босқичларини ўтказиш санаси ва жойи тўғрисида худудий ташкилий қўмиталар камида **10 (үи) кун** олдин секторлар раҳбарларига, маҳаллий ҳокимият органларига, масъул ташкилотларга, шунингдек, “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгашига маълум қиласи.

11. Ўйинларнинг маҳалла ва туман (шаҳар) босқичлари (мазмуни, ўтказиш санаси ва жойи) тўғрисида ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳоким ёрдамчилари, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари томонидан кенг кўламда олиб борилади, шунингдек, маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

12. Босқичлар оралиғида ўйинларда иштирок этадиган жамоаларни сифатли тайёрлаш, жамоа аъзоларининг интеллектуал билими ва жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида машғулотларни ўтказиш “Ватанпарвар” ташкилотининг худудий кенгашлари ва Ёшлар ишлари агентлигининг худудий бўлинмалари масъул ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади.

13. Ўйинларнинг худудий ва республика босқичлари давомида белгиланган тартиб-қоидалар ва хавфсизлик талабларига риоя этиш, шунингдек, дастурда белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш ва назоратни ташкил этиш мақсадида “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши ҳамда худудий кенгашлар Ҳайъати қарори билан кенгаш масъул ходимларидан иборат таркибда маъмурият тузилади.

14. Ўйинлар давомида тиббий хизматнинг (тиббий ходим, санитар автомобил) навбатчилиги ташкил этилади.

Навбатчи шифокор:

ўйинлар ўтказиладиган жойларда иштирокчиларнинг дам олиши, овқатланиши, ювиниш хоналарида санитария-гигиена қоидаларига риоя этишларини назорат қиласди ҳамда уларнинг соғлигини мунтазам равишда назорат қилиб боради, зарур ҳолларда уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатади;

агарда ўйинлар пандемия даврида ўтказилса, спорт мусобақа шартлари пандемия талаб ва қоидалари асосида ўтказилишини назорат қиласди (химоя ниқобини тақиб юриш, оралиқ масофани сақлаш, қўлларни мунтазам ювиш, антисептик воситаларидан фойдаланиш ва ҳ.к.);

ҳар бир ҳолат ва амалга оширилган ишлар тўғрисида Бош спорт ҳакамига маълумот бериб боради.

### **III. Ҳакамлик қилиш ва апелляция бериш тартиби**

15. Ўйинларда ҳакамлик қилиш мақсадида спорт ҳакамлари таркиби - бош спорт ҳаками, спорт ҳакамлари ва котибият тайинланади.

16. Спорт ҳакамлари таркиби:

мусобақа ва шартларни одилона, шаффоффлик билан баҳолайди;

ҳар бир жамоа ва иштирокчининг мусобақа ва шартларда кўрсатган натижаларини баённома орқали расмийлаштиради;

ғолиб жамоа ва иштирокчиларни белгилайди;

апелляция шикоятларни кўриб чиқади.

17. Ўйинларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларни ўтказувчи спорт ҳакамлари таркиби “Ватанпарвар” ташкилотининг ҳудудий кенгashi Ҳайъати қарори билан тасдиқланади.

Бош спорт ҳаками – ҳудудий кенгаш раисининг ўринбосари ёки ушбу соҳада тажрибага эга бўлган ходим тайинланиши мумкин.

Спорт ҳакамлари – ҳудудий кенгаш аппарати масъул ходимлари ҳамда вилоят спортнинг техник ва амалий турлари марказлари спорт мутахассислари киритилади. Шунингдек, келишув асосида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг ҳарбий хизматчилари ва ходимлари киритилиши мумкин.

18. Республика босқичининг спорт ҳакамлари таркиби “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгashi Ҳайъати қарори билан тасдиқланади ва унинг таркибига:

Бош спорт ҳаками – Марказий кенгаш раисининг биринчи ўринбосари;

Спорт ҳакамлари – Марказий кенгаш аппарати бўлим бошликлари ҳамда Республика спортнинг техник ва амалий турлари марказининг спорт мутахассислари ўйинлар шартлари бўйича ҳакамлар сифатида киритилади. Шунингдек, келишув асосида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг ҳарбий хизматчилари ва ходимлари киритилиши мумкин.

19. Спорт ҳакамлари таркибининг биринчи йиғилишида унинг масъул котиби, мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, жойлари, вақти ва кетма-кетлиги белгиланади.

20. Бош спорт ҳаками, спорт ҳакамлари томонидан натижаларнинг тўғри баҳоланиши ҳамда ўйинларнинг шаффоффлик билан ўтказилишига масъулдир. Бош спорт ҳаками ўйинлар бошланишидан олдин мусобақа ўтказиладиган жойларни, уларнинг жиҳозланганлиги ва тайёрлигини текширади, муаммо ёки камчиликлар аниқланса, уларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўради.

Бош спорт ҳаками:

спорт ҳакамлари таркибининг тайёргарлиги ва иш фаолияти, ўйинларни ташкиллаштириш ҳамда ўтказишга раҳбарлик қиласди;

ўйинларни ўтказиш жойлари, спорт воситалари ва жиҳозларнинг тайёргарлигини ташкиллаштиради;

ўйинлар шартларини қўпол равища бузган иштирокчиларни спорт ҳакамлари таркиби аъзолари билан келишган ҳолда, ўйинлардан четлатиш масаласини ҳал этади;

спорт ҳакамлари томонидан ўйинларнинг тўғри ўтказилишини, натижаларнинг шаффоффлик билан баҳоланишини назорат қиласди;

зарур ҳолларда спорт ҳакамлари билан ҳар бир мусобақа олдидан ва ўйин якунида йиғилиш ўтказади, иштирокчилар натижаларини кўриб чиқади ва муҳокама қиласди;

ўйинлар жараёнида нотўғри хатти-ҳаракатларга ва қўпол хатоликларга йўл қўйилса ёки тиббиёт ходимларининг йўқлиги аниқланса, ўйиннинг ушбу шартини тўхтатади ҳамда камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради;

спорт ҳакамлари ишида нохолислик, муайян иштирокчига ён босиш каби ҳолатлар аниқланса, уларни бошқа спорт ҳакамлари билан алмаштиради;

спорт ҳакамлари билан иштирокчи жамоалар томонидан берилган апелляция шикоятларини кўриб чиқиб, муҳокама қиласди ва улар юзасидан шахсан асосланган қарор қабул қиласди ҳамда шикоятни кўриб чиқиши натижалари тўғрисида мурожаат этувчига жавоб беради;

спорт ҳакамларининг нотўғри ва асоссиз қарорларини бекор қиласди;

апелляция шикоятларини кўриб чиқади;

ўйинлар якуний натижаларини баённомага асосан эълон қиласди.

21. Спорт ҳакамлари таркиби бош спорт ҳакамига бўйсунади ва унинг кўрсатмаларига амал қиласди. Спорт ҳакамлари Бош спорт ҳаками томонидан белгилаб берилган кийим русумида мусобақаларда иштирок этади.

22. Спорт ҳакамлари таркиби:

ўйинлар давомида мусобақаларни мазкур Низомга мувофиқ ўтказилишини, натижаларнинг ҳаққоний ва шаффофф тарзда баҳоланишини, ғолибларни аниқлади;

ўйинларни ўтказиш жойлари, спорт (маҳсус) жихозлари ва воситалари тайёргарлигини таъминлайди;

иштирокчиларга ўйинлар шартларини, хавфсизлик қоидаларини етказади, бу борада тушунтириш ишларини олиб боради ва улардан мусобақа шартлари тўғри бажарилишини талаб қиласди;

иштирокчилар томонидан ўйинлар шартларини қўпол равища бузиш ҳолатлари аниқласа, уларнинг ўйинларда иштирок этиши масаласини Бош спорт ҳакамига киритади;

Бош спорт ҳаками бошчилигига, ўйинлар олдидан ва ушбу ўйинлар якунида ўтказиладиган йиғилишда иштирокчилар кўрсатган натижаларни кўриб чиқади;

ўйинлар давомидаги ўзгаришлар тўғрисида иштирокчи ва жамоалар раҳбарларига ўз вақтида хабар беради;

апелляция шикоятларини кўриб чиқишида иштирок этади.

23. Спорт ҳакамлари таркибининг масъул котиби:

ўйинларга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча ташкилий чора-тадбирларни амалга оширади, тегишли ҳужжатларни (иштирокчиларнинг ҳужжатлари ва рўйхатларини) текширади ва расмийлаштиради;

куръя ташлаш жараёнини ташкиллаштиради ва унда иштирок этади;

ўйинлар жараёнида спорт ҳакамлари томонидан қабул қилинган қарорларни, иштирокчилар кўрсатган натижаларни умумлаштиради ва мусобақа баённомаларини, якунловчи ҳужжатлар ҳамда ҳисоботларни расмийлаштиради.

24. Ўйинларни ўтказиш давомида жамоа раҳбарлари ва аъзоларига қўйидагилар таъқиқланади:

спорт ҳаками ишига аралашиб;

спорт ҳакамининг қарорига қаршилик кўрсатиш ва унга бўйсунмаслик;

спорт ҳаками билан келишилмаган тарзда мусобақа ёки шартларни бажариш вақтида ўз жамоасига ёки иштирокчига мазкур Низомда кўрсатилмаган қоидаларга зид равища ёрдам кўрсатиш;

мусобақа ёки шартларни бажаришнинг белгиланган жойида спорт ҳакамининг рухсатисиз бўлиш;

мусобақа ёки шартларни бажаришга жамоа аъзоси бўлмаган шахсларни жалб этиш.

25. Ўйинларда “Ватанпарвар” ташкилоти ёки бошқа муассаса (ташкилот, федерация)лар тизимидағи профессионал спортчиларнинг (вилоят терма спорт жамоаси аъзоларининг) иштирок этиши қатъий тақиқланади. Бундай ҳолатга йўл қўйган жамоа аъзоси мусобақадан четлаштирилади.

26. Агар спорт ҳаками томонидан юқоридаги ҳолатлар аниқланган тақдирда, жамоа ёки иштирокчининг мусобақада кўрсатган натижалари ҳисобга олинмайди, жамоа ёки иштирокчига энг сўнгги ўрин берилади.

27. Ўйинлар давомида юзага келган апелляция шикоятлари спорт ҳакамлари таркиби томонидан ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

28. Ўйинлар давомида ўз жамоаси аъзоларининг натижаларига аниқлик киритиш, шунингдек, улардан норози бўлган ҳолларда апелляция бериш ҳуқуқи фақат жамоа раҳбарига берилади.

29. Жамоа раҳбари томонидан мусобақа шарти якунланганидан сўнг **30 дақиқа** ичida ёзма равища бош спорт ҳакамига апелляция берилиши мумкин. Ушбу апелляция асосланган ва мазкур Низомда ўрнатилган талаблар доирасида бўлиши лозим.

30. Апелляция бош ҳакам томонидан мусобақа спорт ҳаками иштирокида кўриб чиқилиб, унинг натижалари тўғрисида бир соат вақт мобайнида апелляция берувчига жавоб берилиши лозим. Бош спорт ҳаками апелляция бўйича якуний қарор қабул қилувчи шахс ҳисобланади.

#### **IV. Ўйин иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

31. Ўйинлар иштирокчилари қўйидагиларга мажбур:

мусобақалар талабларини билишга ва унга сўзсиз риоя қилишга;

ўйинлар давомида ўзини муносиб тутишга ва бошқаларни ҳам номуносиб хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслигини таъминлашга;

ўйинларни ўтказиш жойида белгиланган кийим русумида бўлишга;

ўйинлар иштирокчилари ва спорт ҳакамларига хушмуомала муносабатда бўлишга;

зарур ҳолларда шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишга;

спорт ҳакамларининг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришга;

ўйинлар давомида ўрнатилган қун тартиби ва бошқа тартиб-қоидаларга, мусобақалар шартлари ва хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этишга.

32. Ўйинлар иштирокчилари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўйинлар олдидан спорт ҳакамлари рухсати билан мустақил равища бадантарбия машқлари билан шуғулланиш, мусобақа куроллари, маҳсус восита ва жиҳозлар билан яқиндан танишиш ҳамда тайёргарлик кўриш;

ўйинлар жараёнида спорт ҳакамларига мазкур Низом талабларидан келиб чиқсан ҳолда мурожаат қилиш;

ўйинлар давомида ноҳақлик ёки шаффоффлик таъминланмаётганлиги аниқланган ҳолларда жамоа раҳбарига маълумот бериш;

ўйинлар давомида кўрсатган натижалари билан танишиб бориш.

#### **V. Жамоаларнинг ўйинларда қатнашиш шартлари**

33. Ўйинларда **17 ёшдан - 22 ёшгача** бўлган, маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшлар қатнашади. Иштирокчиларнинг ёши ўйинлар бошланишидан олдин жамоаларни рўйхатдан ўтказишида шахсини тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролик паспорти ёки ИД картаси) орқали аниқланади. Ушбу ёш доирасида бўлмаган жамоа аъзоси ўйинларга қўйилмайди.

34. Жамоа таркиби 10 нафар кишидан (8 нафар ўғил бола ва 2 нафар қиз бола) иборат таркибда тузилади.

Ўйинларда иштирок этиш учун барча жамоа аъзолари соғлом, тиббий кўрсаткичлари зид бўлмаслиги ҳамда мусобақа шартлари бўйича билимга ва спорт кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

35. Ҳар бир жамоага раҳбар тайинланади. Жамоа раҳбари иштирокчиларнинг интизоми, соғлиги, улар томонидан хавфсизлик талаблари ва белгиланган тартиб-қоидаларни қатъий бажарилиши учун масъул ҳисобланади.

36. Жамоа аъзолари мусобақа шартлари бўйича қўйидагича иштирок этади:

а) Биринчи босқичда:

№	Мусобақа шартлари номи	Иштирокчилар	
		ўғил болалар	қизлар
<b>I. Ҳарбий-ватанпарварлик блоки</b>			
1.	Ўзбекистон тарихи билимдони викторинаси	Жамоавий	
2.	Саф қўшиғи кўрик-танлови	Жамоавий	
<b>II. Ҳарбий-амалий қўпкураш блоки</b>			
3.	Ўқув гранатасини узоқликка улоқтириш	2 нафар	-
4.	Ҳарбийлаштирилган эстафета	3 нафар	-
5.	100 метрга югуриш	1 нафар	1 нафар
6.	Турнирда тортилиш	1 нафар	-
7.	Узоқ масофага югуриш	1 нафар	1 нафар

б) Иккинчи, учинчи ва тўртингчи босқичларда:

№	Мусобақа шартлари номи	Иштирокчилар	
		ўғил болалар	қизлар
<b>I. Ҳарбий-ватанпарварлик блоки</b>			
8.	Ўзбекистон тарихи билимдони викторинаси	Жамоавий	
9.	Саф қўшиғи кўрик-танлови	Жамоавий	
10.	“Биз бир жамоамиз!” кўрик-танлови	Жамоавий	
<b>II. Ҳарбий-амалий қўпкураш блоки</b>			
11.	Пневматик қуролдан ўқ отиш.	1 нафар	1 нафар
12.	Ўқув гранатасини узоқликка улоқтириш.	2 нафар	-
13.	Ҳарбийлаштирилган эстафета.	3 нафар	-
<b>III. Спорт блоки</b>			
14.	Дуатлон.	1 нафар	1 нафар
15.	100 метрга югуриш.	1 нафар	1 нафар
16.	Турнирда тортилиш.	1 нафар	-

37. Жамоа аъзосига иккитагача мусобақа шартларида қатнашишга рухсат этилади.

38. Маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ўйинларнинг маҳалла босқичида иштирок этадиган жамоаларни масъуль ташкилотлар ва ҳоким ёрдамчилари кўмагида шакллантиради ва жамоалар раҳбарларини тайинлайди.

Маҳаллалардаги ёшлар етакчилари, ўйинларнинг ўтказиш муддатидан камида **7 (етти) кун** олдин маҳалла босқичида иштирок этадиган жамоалар тўғрисида худудий ташкилий қўмитасига ёзма буюртма беради.

39. “Ватанпарвар” ташкилотининг ўқув муассаса (ташкилот) раҳбари, ўйинларнинг ўтказиш муддатидан камида **7 (етти) кун** олдин туман (шаҳар) ва худудий босқичларда иштирок этадиган жамоа тўғрисида худудий ташкилий қўмитасига ёзма буюртма беради.

40. “Ватанпарвар” ташкилотининг худудий кенгашлари раислари, ўйинларнинг ўтказиш муддатидан камида **10 (үн) кун** олдин республика босқичида иштирок этадиган жамоа тўғрисида республика ташкилий қўмитасига ёзма буюртма беради.

41. Буюртмада жамоа раҳбарлари ҳамда жамоа аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми; туғилган йили, куни ва ойи; фуқаролик паспорти ёки ID картаси серияси ва рақами; соғлиғи ҳолати) киритилади. Буюртма худудий кенгаш муҳри билан тасдиқланади (1-илова).

42. Худудий ва республика ташкилий қўмиталар томонидан рўйхатдан ўтган жамоаларга ўйинларда иштирок этишга рухсат берилади. Рўйхатдан ўтган иштирокчининг ўрнига сабабсиз бошқа шахснинг ўйинларда иштироқи бош ҳакам томонидан кўриб чиқилиши ва рухсат этилиши мумкин.

43. Қуйидаги холатларда жамоани ўйинларда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш рад этилади:

жамоа, мазкур Низомнинг 33-банди талабларига жавоб бермаганда;  
буюртма ташкилий қўмитага ўз муддатида берилмаганда.

44. Жамоа раҳбарлари ўйинларнинг республика босқичида жамоаларни рўйхатдан ўтказишида ўйинлар масъул котибига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

жамоани ўйинларда иштирок этишига рухсат берувчи ҳудудий кенгаш Ҳайъати қарори ва ҳудудий ташкилий қўмита баённомасининг нусхаси;

жамоа таркибини тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома;  
жамоа аъзолари шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт ёки ID карта).

Талаб қилинган юқоридаги ҳужжатларни топширмаган ёки ҳужжатларида камчилиги мавжуд жамоалар ўйинларда иштирок этмайди.

45. Ҳар бир жамоа ўйинларнинг ҳудудий ва республика босқичларида ўзларининг бир ҳил маҳсус, ҳарбий ва спорт кийимлари, тегишли спорт анжомлари билан қатнашади.

46. Спорт мусобақаларида ҳар бир жамоа аъзоси бир ҳил спорт ёки дала ҳарбий кийимларида иштирок этади. Ҳар бир спорт мусобақаси шартларидан келиб чиқиб, жамоа ёки алоҳида иштирокчи учун ўйинлар бош ҳаками томонидан кийим русуми белгиланади.

47. Ўйинларни тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларида жамоалар “Ватанпарвар” ташкилоти тизимидағи “Шунқорлар” ҳарбий-спорт ўйинлари байроғи ва эмблемаси билан, шунингдек, ўзларининг маҳсус кийимларида қатнашадилар.

## VI. Мусобақалар шартлари ва баҳолаш мезонлари

48. Ўйинларнинг биринчи маҳалла босқичи қуйидаги блоклардан иборат:

1. **“Ҳарбий-ватанпарварлик блоки”.**

Мазкур блок иккита шартдан иборат бўлади.

а) **“Ўзбекистон тарихи билимдони” викторинаси.**

Викторина шартлари: жамоанинг барча аъзолари устки маҳсус кийимда иштирок этади. Жамоа сардори Ўзбекистон тарихидан тузилган, ҳар бирида 5 тадан савол мавжуд муҳрланган конвертлардан бирини танлайди ҳамда имзо қўйган ҳолда ҳакамларга тақдим этади. Ҳакамлар томонидан ҳар бир савол ўқилади ва ушбу саволларга жамоа аъзолари ҳар бир савол учун 2 дақиқа (120 сония) давомида, жами 10 дақиқа (600 сония) ичида жавоб беришлари талаб этилади.

Баҳолаш мезонлари: ушбу шарт 1 баллдан 10 баллгacha тизим бўйича баҳоланади. Ҳар бир тўлиқ жавоб учун “2” балл, тўлиқ бўлмаган жавоб учун “1” балл, нотўғри жавоб учун “0” балл қўйилади. Жамоа белгиланган вақтдан чиқиб кетганда “-1” балл жарима билан жазоланади.

Юқори балл олган жамоа ғолиб ҳисобланади. Агарда баллар teng бўлган тақдирда, ғолиб фойдаланилган кам вақт билан аниқланади.

б) **“Саф қўшиғи” танлови.**

Танлов шартлари: жамоанинг барча аъзолари устки маҳсус кийимда иштирок этади. Жамоа Ватан, ватанпарварлик, мардлик ва жасорат мавзуларига оид битта саф қўшигини юриш сафида харакатланиб ижро этиши лозим. Жамоанинг Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Саф низоми қоидаларига амал қилиб бўлинма таркибида юришига, саф қўшигининг мазмуни ва ижро этиш маҳоратига алоҳида эътибор қаратилиади.

Баҳолаш мезонлари: ушбу шарт қуйидаги қўрсатгичлар бўйича 5 баллик тизим бўйича баҳоланади:

- барча жамоа аъзоларининг саф қўшиғи матнини билишлари ва оҳангни тўғрилиги – 2 балл;

- жамоанинг юриш сафида тўғри харакатланиб саф қўшигини ижро этиши – 2 балл;

- саф қўшигини жарангдор оҳангда айтилиши – 1 балл.

Жамоанинг саф юриши бир ҳил бўлмаганда, жамоа аъзолари пала-партиш ҳаракат қилганда, саф қўшиғи паст овозда айтилганда, мавзуга тўғри келмаганда жамоа “-1” жарима балли билан жазоланади.

Юқори балл олган жамоа ғолиб ҳисобланади.

## 2. “Харбий-амалий қўпкураш блоки”.

### а) “Ўқув гранатасини узоқликка улоқтириш” мусобақаси.

Мусобақа шартлари: ҳар бир жамоадан 2 нафардан (ўғил бола) иштирок этади.

Мусобақа шахсий биринчилик тарзида ўтказилади. Кийим русуми – спорт кийими.

Машқ бажариш жойининг улоқтириш марраси, йўлаги чизик ва белгилар билан ҳамда 30, 40, 50, 60 метр масофа кўрсатгичлари билан жиҳозланади. Иштирокчи машқни Ф-1 ўқув гранатасини (600 грамм) эни 10 метр бўлган йўлак (коридор) ичига улоқтириш орқали бажаради.

Мусобақа қўйидаги тартибда ўтказилади:

спорт ҳаками томонидан иштирокчиларга машқни бажариш шарти ва хавфсизлик қоидалари етказилади;

иштирокчилар машқни навбат билан бажаради;

иштирокчига 3 маротаба улоқтириш имкони берилади;

иштирокчи спорт ҳакамининг “Рұхсат” буйруғидан кейин машқни бажаришга киришади. Граната улоқтиргандан кейин иштирокчи тана мувозанатини сақлаб қолиши ва граната йўлак (коридор) ичига тушиши керак;

агар граната тасодифан қўлдан чиқиб кетса, иштирокчи марра чизигини босса ёки тана мувозанатини йўқотиб ундан ўтиб кетса, граната йўлак (коридор) чизиқларининг ташки томонига тушса, айнан шу натижага олинмайди ва такрорий улоқтиришга рухсат берилмайди;

иштирокчи ёки жамоанинг бошқа аъзоси томонидан хавфсизлик қоидалари талаблари бузилганда улоқтириш натижаси ҳисобга олинмайди;

иштирокчининг фақат энг яхши улоқтириш натижаси қайд этилади.

Баҳолаш мезонлари: шахсий биринчиликда иштирокчининг энг яхши улоқтириш натижаси қайд этилади. Бир хил балл тўплаган иштирокчиларга бир мартадан гранатини улоқтириш имконияти берилади ва улоқтириш натижаси ҳисобга олинади.

## б) “Харбийлаштирилган эстафета” мусобақаси.

Мусобақа шартлари: Жамоанинг 3 нафар (ўғил бола) аъзолари иштирок этади. Кийим русуми – дала ҳарбий кийимида, баланд қўнжли ботинка.

Эстафета учун стадион югуриш йўлаги (ёки бошқа текис ҳудуд)нинг ҳар 100 метрга эстафета шартларини бажариш бўйича нуқталар жиҳозланади. Спорт ҳаками томонидан эстафетадан олдин иштирокчиларга машқларни бажариш шартлари ва хавфсизлик қоидалари етказилади. Спорт ҳакамлари томонидан ҳар бир жамоанинг натижалари қайд этиб борилади.

Эстафетанинг шартлари қўйидаги тартибда ўтказилади:

Биринчи нуқта – АК-74 қуролини нотўлик қисмларга ажратиш:

жамоанинг дастлабки биринчи иштирокчиси “Старт” чизигидаги стол олдида 1 метр масофада ҳаракатга тайёр ҳолда туради, стол устида АК-74 қуроли затвори юқорига қаратилган ҳолда жойлаштирилади;

ҳакам томонидан “Олга” буйруғи берилгач, секундомер босилади ва жамоа иштирокчиси АК-74 қуролини нотўлик қисмларга ўрнатилган тартибда ёйиб, 100 метр масофага югуради ва белгиланган чизикни кесиб ўтга, эстафета таёқчасини кейинги нуқтада жойлашган навбатдаги аъзосига топширади.

Иккинчи нуқта – газга қарши ниқобни кийиш:

жамоанинг иккинчи иштирокчиси белгиланган чизикдан кейин ҳаракатга тайёр ҳолда туради;

иккинчи иштирокчи эстафета таёқчасини олгандан сўнг ёнидаги газга қарши ниқобни ўрнатилган тартибда кияди;

спорт ҳакамлари иштирокчилар томонидан газга қарши ниқобни тўғри ва тўлиқ кийилганини тасдиқлагач, “Олга” буйругини беради;

иштирокчи газ ниқобини кийган ҳолда 100 метрга югуради ва белгиланган чизикни кесиб ўтга, эстафета таёқчасини жамоанинг навбатдаги аъзосига топширади.

Учинчи нуқта – АК-74 қуролини тўлиқ йиғиш:

жамоанинг учинчи иштирокчиси белгиланган чизиқдан кейин стол олдида 1 метр масофада ҳаракатга тайёр ҳолда туради, стол устида нотўлиқ ёйилган АК-74 қуроли ётади;

учинчи иштирокчи эстафета таёқчасини олгандан сўнг нотўлиқ қисмларга ёйилган АК-74 қуролини тўлиқ йиғади ва 100 метр масофага югуриб “Финии” чизигини кесиб ўтади.

**Бахолаш мезонлари:** Иштирокчилар эстафета шартларини тўлиқ бажариб, финиш чизиги кесиб ўтилгач спорт ҳаками томонидан секундомер тўхтатилиди ва натижада қайд этилади. Натижаси бўйича эстафета шартларини тўлиқ бажарган ҳолда энг кам вақт сарфлаган жамоа эстафета ғолиби ҳисобланади.

Иштирокчилар томонидан ҳар бир қўпол хатолар учун ҳамда хавфсизлик қоидалари бузилганда якуний натижага 5 сония жарима вақти қўшилади.

**в) 100 метрга югуриш мусобақаси.**

**Мусобақа шартлари:** ҳар бир жамоадан 2 нафар (1 нафар ўғил бола ва 1 нафар қиз бола) иштирокчи қатнашади. Стадионнинг югуриш йўллаги ёки қаттиқ қопламага эга текис майдонда пастки старт ҳолатидан бажарилади. Югуриш жойи старт ва финиш чизиклар билан жиҳозланади. Кийим русуми – спорт кийими.

Мусобақа қуидаги тартибда ўтказилади:

спорт ҳаками томонидан иштирокчиларга машқни бажариш шарти ва хавфсизлик қоидалари етказилади;

спортуруклири билан иштирокчилар машқни бажаришга киришадилар ва “Финии” чизигини кесиб ўтганларидан сўнг, секундомер тўхтатилиб, натижалари қайд этилади;

**Бахолаш мезонлари:** иштирокчиларнинг натижалари стартдан финишгача бўлган масофани босиб ўтган вақтдан келиб чиқиб аниқланади ва энг кам вақт кўрсатган иштирокчи ғолиб деб топилади.

**г) Турникда тортилиш мусобақаси.**

**Мусобақа шартлари:** ҳар бир жамоадан 1 нафар (ўғил бола) иштирокчи қатнашади. Кийим русуми – спорт кийими. Машқни бажаришга – 4 дакиқа берилади.

Машқни бажариш шарти: машқни бажаришда қўл кафтлари турникда олдинга қаратилган ҳолда ушланиб, қўллар параллел узатилган ҳолда тутилади, тана бир оз букилган, оёқ тўғри туширилган, учи тўлиқ пастга узатилиб, товонлар жуфт тутилган ҳолатдан бажарилади.

Қўллар букилиб, тана юқорига кўтарилади, бунда жағ (ияқ) турник устига тўлиқ чиқарилган ҳолат қабул қилинади.

Қўллар яна тўлиқ узатилади, тана бир маромда пастга туширилиб, дастлабки ҳолатга қайтилади. Тананинг осилган ҳолати 3 сониядан кўп бўлмаган вақт давомида сакланади. Жуфт тутилган оёқларни  $45^0$  гача букишга рухсат берилади.

Танани силташ, оёқни олд-орқага тебратиш, оёқларни чалиштириш, бир қўлда осилиб олиш амаллари тақиқланади.

**Бахолаш мезонлари:** турникда энг кўп ва машқни тўғри бажарган иштирокчи ғолиб деб топилади.

**д) Узоқ масофага югуриш мусобақаси.**

**Мусобақа шартлари:** ҳар бир жамоанинг 2 нафар аъзоси (1 нафар ўғил бола ва 1 нафар қиз бола) иштирок этади. Ўғил болалар – 1500 метрга ва қиз болалар 1000 метр узоқ масофага югуриш машқини бажаради.

Югуриш машқи стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки қаттиқ қопламали текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади. Мусобақа жойи старт ва финиш чизиклар билан бир жойда жиҳозланади. Кийим русуми – спорт кийими.

Югуришлар юқори стартдан бошланади. Югуришда бир вақтда тегишли равища рақамланган 12 – 15 киши қатнашиши мумкин. Ҳакамлар томонидан югуриш қатнашчилари бўйича қатъий назорат ўрнатилади.

Мусобақа қуидаги тартибда ўтказилади:

натижаларни тўғри ва аниқ ҳисоблаш учун ҳар бир иштирокчига кўкрак рақами берилади;

спорт ҳаками томонидан югуриш учун дастлабки “Стартга”, “Диққат” ҳамда “Олга” буйруқлари берилади ва секундомер босилади;

“Олга” буйруғи билан иштирокчилар машқни бажаришга киришадилар ва “Финии” чизигини кесиб ўтганларидан сўнг, секундомер тўхтатилиб, натижалари қайд этилади;

иштирокчилар амалий югуриш давомида бир-бирига ҳалақит бермаслиги лозим.

**Баҳолаш мезонлари:** Натижаси бўйича шартларни тўлиқ бажарган ҳолда энг кам вақт сарфлаган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Иштирокчилар томонидан ҳар бир қўпол хатолар учун ҳамда хавфсизлик қоидалари бузилганида, якуний натижага 5 сония жарима вақт қўшилади.

Югуриш вақтида белгиланган масофани кесиб ўтган ва бошқа шахслар томонидан жисмоний ёрдам кўрсатилган иштирокчиларнинг натижалари ҳисобга олинмайди.

Югуриш худудидан чиқиб кетган ёки югуришдан юриш ҳолатига ўтган иштирокчи машқни бажармаган ҳисобланади.

49. Ўйинларнинг иккинчи, учинчи ва республика босқичлари қуидаги блоклардан иборат:

**1. “Ҳарбий-ватанпарварлик блоки”.**

Мазкур блок учта шартдан иборат бўлади.

**а) “Ўзбекистон тарихи билимдони” викторинаси.**

**Викторина шартлари:** жамоанинг барча аъзолари устки маҳсус кийимда иштирок этади. Жамоа сардори Ўзбекистон тарихидан тузилган, ҳар бирида 5 тадан савол мавжуд мухрланган конвертлардан бирини танлайди ҳамда имзо қўйган ҳолда ҳакамларга тақдим этади. Ҳакамлар томонидан ҳар бир савол ўқилади ва ушбу саволларга жамоа аъзолари ҳар бир савол учун 2 дақиқа (120 сония) давомида, жами 10 дақиқа (600 сония) ичида жавоб беришлари талаб этилади.

**Баҳолаш мезонлари:** ушбу шарт 1 баллдан 10 баллгача тизим бўйича баҳоланади. Ҳар бир тўлиқ жавоб учун “2” балл, тўлиқ бўлмаган жавоб учун “1” балл, нотўғри жавоб учун “0” балл қўйилади. Жамоа белгиланган вақтдан чиқиб кетганда “-1” балл жарима билан жазоланади.

Юқори балл олган жамоа ғолиб ҳисобланади. Агарда баллар teng бўлган тақдирда, ғолиб фойдаланилган кам вақт билан аниқланади.

**б) “Биз бир жамоамиз!” кўрик-танлови.**

Жамоанинг устки маҳсус кийимининг саф кўриги ўтказилади.

**Саф кўриги шартлари:** ушбу шартда жамоанинг барча аъзолари иштирок этади. Жамоа саф майдонида, устки маҳсус кийимда тўлиқ саф тортади.

Жамоанинг устки кийими (шу жумладан, бош кийими) маҳсус тикирилган, барча жамоа аъзолари учун бир турда бўлиши талаб этилади. Куролли Кучлар ҳарбий кийимлари ва бошқа ташкилотларнинг маҳсус кийимларида (*камар, бош ва оёқ кийимларидан ташқари*) иштирок этиш тақиқланади.

**Баҳолаш мезонлари:** ушбу шарт 5 баллик тизим бўйича баҳоланади. Жамоанинг устки маҳсус кийимида камчиликлар аниқланса (устки маҳсус кийими бошқа мусобақалар учун тикирилган, ҳарбий кийим элементларидан фойдаланилган бўлса), жамоа “-1” жарима балл билан жазоланади.

Жамоанинг рамзлари (байроғи, вимпели ва фотоалбоми) кўриги ўтказилади.

**Кўрик шартлари:** жамоа ўйинларнинг худудий ва республика босқичида байроқ ва вимпел ҳамда фотоалбом билан иштирок этиши лозим. Жамоа рамзларини тайёрланишида давлат рамзларидан (давлат байроғи, давлат герби) фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ушбу шартда жамоа сардори иштирок этади ва ўз жамоасининг байроғи, вимпели ва фотоальбомини оғзаки тақдимотини 5 дақиқа ичида ўтказади.

Жамоа байроғи 100x150 см ҳажмда бўлиб “Шунқорлар” ҳарбий-спорт ўйинлари рамзини ҳамда жамоа вимпели 40x30 см ҳажмда бўлиб мазмунан ҳарбий-ватанпарварлик ғоясини акс этган бўлиши лозим.

Фотоалбом бадиий безаги, мазмуни, ватанпарварлик ғояларига қараб баҳоланади. Фотоальбомда жамоанинг худудий босқичларда иштирокини акс эттирувчи ҳарбий-

ватанпарварлик ва спорт тадбирлари тасвириланган фотосуратлари ҳамда уларнинг қисқача шархлари берилган бўлиши лозим.

Бахолаш мезонлари: ушбу шарт 1 баллдан 10 баллгacha тизим бўйича баҳоланади. Агарда жамоа рамзлари ўрнатилган талабларга жавоб бермаса, ҳакамларга тақдим этилмаса жамоа “-1” балл жарима билан жазоланади. Юқори балл олган жамоа сардори ғолиб ҳисобланади.

**в) “Саф қўшиғи” танлови.**

Танлов шартлари: жамоа Ватан, ватанпарварлик, мардлик ва жасорат мавзуларига оид битта саф қўшиғини юриш сафида харакатланиб ижро этиши лозим. Жамоанинг Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Саф низоми қоидаларига амал қилиб бўлинма таркибида юришига, саф қўшиғининг мазмуни ва ижро этиш маҳоратига алоҳида эътибор қаратилади.

Бахолаш мезонлари: ушбу шарт қуидаги кўрсатгичлар бўйича 5 баллик тизим бўйича баҳоланади:

- барча жамоа аъзоларининг саф қўшиғи матнини билишлари ва оҳангни тўғрилиги – 2 балл;
- жамоанинг юриш сафида тўғри харакатланиб саф қўшиғини ижро этиши – 2 балл;
- саф қўшиғини жарангдор оҳангда айтилиши – 1 балл.

Жамоанинг саф юриши бир хил бўлмагандан, жамоа аъзолари пала-партиш харакат қилгандан, саф қўшиғи паст овозда айтилганда, мавзуга тўғри келмагандан жамоа “-1” жарима балли билан жазоланади.

Юқори балл олган жамоа ғолиб ҳисобланади.

**2.“Ҳарбий-амалий қўпкураш блоки”**

**а) “Пневматик қуролдан ўқ отиш” мусобақаси.**

Мусобақа шартлари: ҳар бир жамоадан 2 нафардан (1 нафар ўғил бола ва 1 нафар қиз бола) иштирок этади. Мусобақа шахсий биринчилик тарзида ўтказилади. Кийим русуми – спорт кийими.

Отиш масофаси – 10 метр ва спорт нишони № 9 белгиланади, машқ тик турган ҳолда бажарилади, ажратиладиган ўқ микдори 8 та (3 та назорат ва 5 та натижавий отиш), машқ бажаришнинг умумий вақти – 15 дақиқа.

Мусобақа қуидаги тартибда ўтказилади:

мусобақа спорт ҳаками томонидан иштирокчиларга машқни бажариш шарти ва хавфсизлик қоидалари етказилади;

ҳар бир иштирокчи отиш машқини навбат билан “ИЖ” русумли 4,5 мм.дан иборат пневматик милтиқдан, маҳсус белгиланган ва жихозланган тирда бажаради;

дастлаб иштирокчи 3 дона ўқ билан назорат отишни амалга оширади;

кейинги навбатда иштирокчи 5 дона ўқ билан натижавий отишни амалга оширади. Натижавий отиш хисобга олинади;

отиш жараёнида иштирокчининг айби бўлмаган тўхталишлардаги ва техник сабабларга кўра отилмаган ўқлар мусобақа спорт ҳакамининг рухсати билан бошқасига алмаштирилиши мумкин;

мусобақа спорт ҳаками ва отишни бажарган иштирокчига отиш натижаларини кўриш учун рухсат берилади.

Бахолаш мезонлари: шахсий биринчилиқда 5 дона ўқ билан энг кўп балл жамғарган иштирокчи ғолиб деб топилади. Бир хил балл тўпланганда отиш сифати (10, 9, 8 баллар сони) ҳисобга олинади.

**б) “Ўқув гранатасини узоқтириш” мусобақаси.**

Мусобақа шартлари: ҳар бир жамоадан (ўғил бола) иштирок этади. Мусобақа шахсий биринчилик тарзида ўтказилади. Кийим русуми – спорт кийими.

Машқ бажариш жойининг узоқтириш марраси, йўлаги чизиқ ва белгилар билан ҳамда 30, 40, 50, 60 метр масофа кўрсатгичлари билан жихозланади. Иштирокчи машқни Ф-1 ўқув гранатасини (600 грамм) эни 10 метр бўлган йўлак (коридор) ичига узоқтириш орқали бажаради.

Мусобақа қуидаги тартибда ўтказилади:

спорт ҳаками томонидан иштирокчиларга машқни бажариш шарти ва хавфсизлик қоидалари етказилади;

иштирокчилар машқни навбат билан бажаради;

иштирокчига З маротаба улоқтириш имкони берилади;

иштирокчи спорт ҳакамининг “Рұхсат” буйруғидан кейин машқни бажаришга киришади. Граната улоқтиргандан кейин иштирокчи тана мувозанатини сақлаб қолиши ва граната йўлак (коридор) ичига тушиши керак;

агар граната тасодифан қўлдан чиқиб кетса, иштирокчи марра чизигини босса ёки тана мувозанатини йўқотиб ундан ўтиб кетса, граната йўлак (коридор) чизиқларининг ташқи томонига тушса, айнан шу натижага олинмайди ва такрорий улоқтиришга рұхсат берилмайди;

иштирокчи ёки жамоанинг бошқа аъзоси томонидан хавфсизлик қоидалари талаблари бузилганда улоқтириш натижаси ҳисобга олинмайди;

иштирокчининг фақат энг яхши улоқтириш натижаси қайд этилади.

Бахолаш мезонлари: шахсий биринчиликда иштирокчининг энг яхши улоқтириш натижаси қайд этилади. Бир хил балл тўплаган иштирокчиларга бир мартадан гранатини улоқтириш имконияти берилади ва улоқтириш натижаси ҳисобга олинади.

#### **в) “Ҳарбийлаштирилган эстафета” мусобақаси.**

Мусобақа шартлари: Жамоанинг З нафар (ўғил бола) аъзолари иштирок этади. Кийим русуми – дала ҳарбий кийимида, баланд қўнжли ботинка.

Эстафета учун стадион югуриш йўлаги (ёки бошқа текис ҳудуд)нинг ҳар 100 метрга эстафета шартларини бажариш бўйича нуқталар жиҳозланади. Спорт ҳаками томонидан эстафетадан олдин иштирокчиларга машқларни бажариш шартлари ва хавфсизлик қоидалари етказилади. Спорт ҳакамлари томонидан ҳар бир жамоанинг натижалари қайд этиб борилади.

Эстафетанинг шартлари қўйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи нуқта – АК-74 қуролини нотўлиқ қисмларга ажратиш:

жамоанинг дастлабки биринчи иштирокчиси “Старт” чизигидаги стол олдида 1 метр масофада ҳаракатга тайёр ҳолда туради, стол устида АК-74 қуроли затвори юқорига қаратилган ҳолда жойлаштирилади;

ҳакам томонидан “Олға” буйруғи берилгач, секундомер босилади ва жамоа иштирокчиси АК-74 қуролини нотўлиқ қисмларга ўрнатилган тартибда ёйиб, 100 метр масофага югуради ва белгиланган чизикни кесиб ўтгач, эстафета таёқчасини кейинги нуқтада жойлашган навбатдаги аъзосига топширади.

иккинчи нуқта – газга қарши ниқобни кийиш:

жамоанинг иккинчи иштирокчиси белгиланган чизикдан кейин ҳаракатга тайёр ҳолда туради;

иккинчи иштирокчи эстафета таёқчасини олгандан сўнг ёнидаги газга қарши ниқобни ўрнатилган тартибда кияди;

спорт ҳакамлари иштирокчилар томонидан газга қарши ниқобни тўғри ва тўлиқ кийилганини тасдиқлагач, “Олға” буйруғини беради;

иштирокчи газ ниқобини кийган ҳолда 100 метрга югуради ва белгиланган чизикни кесиб ўтгач, эстафета таёқчасини жамоанинг навбатдаги аъзосига топширади.

учинчи нуқта - АК-74 қуролини тўлиқ йифиш:

жамоанинг учинчи иштирокчиси белгиланган чизикдан кейин стол олдида 1 метр масофада ҳаракатга тайёр ҳолда туради, стол устида нотўлиқ ёйилган АК-74 қуроли ётади;

учинчи иштирокчи эстафета таёқчасини олгандан сўнг нотўлиқ қисмларга ёйилган АК-74 қуролини тўлиқ йифади ва 100 метр масофага югуриб “Финиш” чизигини кесиб ўтади.

Бахолаш мезонлари: Иштирокчилар эстафета шартларини тўлиқ бажарив, финиш чизиги кесиб ўтилгач спорт ҳаками томонидан секундомер тўхтатилади ва натижага қайд этилади. Натижаси бўйича эстафета шартларини тўлиқ бажарган ҳолда энг кам вақт сарфлаган жамоа эстафета ғолиби ҳисобланади.

Иштирокчилар томонидан ҳар бир қўйул хатолар учун ҳамда хавфсизлик қоидалари бузилганда якуний натижага 5 сония жарима вақти қўшилади.

### **3. “Спорт блоки”**

#### **а) Дуатлон бўйича спорт мусобақаси.**

Мусобақа шартлари: Ушбу мусобақада жамоанинг 2 нафар аъзоси (1 нафар ўғил бола ва 1 нафар қиз бола) иштирок этади. Мусобақа жойи старт ва финиш чизиқлар билан жиҳозланади. Кийим русуми – спорт кийими. Мусобақанинг ҳар бир иштирокичиси ўз велосипедида қатнашиш хуқуқига эга.

Машқларни бажариш шартлари:

йигитлар юргурган ҳолда 1000 метр, велосипедда 3000 метрни ва яна юргурган ҳолда 1000 метр,

қизлар эса юргурган ҳолда 500 метр, велосипедда 1000 метрни ва яна юргурган ҳолда 500 метр босиб ўтишади.

Мусобақа қуйидаги тартибда ўтказилади:

спорт ҳаками томонидан иштирокчиларга машқларни бажариш шарти ва хавфсизлик қоидалари етказилади;

натижаларни тўғри ва аниқ ҳисоблаш учун ҳар бир иштирокчига кўкрак рақами берилади;

спорт ҳаками томонидан югуриш учун дастлабки “Стартга”, “Диққат” ҳамда “Олга” буйруқлари берилади ва секундомер босилади;

“Олга” буйруғи билан иштирокчилар машқни бажаришга киришадилар ва “Финии” чизигини кесиб ўтганларидан сўнг, секундомер тўхтатилиб, натижалари қайд этилади;

иштирокчилар амалий югуриш давомида бир-бирига ҳалақит бермаслиги лозим. Югуриш вақтида белгиланган масофани кесиб ўтган ва бошқа шахслар томонидан жисмоний ёрдам кўрсатилган иштирокчиларнинг натижалари ҳисобга олинмайди.

Баҳолаш мезонлари: Натижаси бўйича шартларни тўлиқ бажарган ҳолда энг кам вақт сарфлаган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Иштирокчилар томонидан ҳар бир қўпол хатолар учун ҳамда хавфсизлик қоидалари бузилганида, якуний натижага 5 сония жарима вақт қўшилади.

#### **б) 100 метрга югуриш мусобақаси.**

Мусобақа шартлари: ҳар бир жамоадан 2 нафар (1 нафар ўғил бола ва 1 нафар қиз бола) иштирокчи қатнашади. Стадионнинг югуриш йўлаги ёки қаттиқ қопламага эга текис майдонда пастки старт ҳолатидан бажарилади. Югуриш жойи старт ва финиш чизиқлар билан жиҳозланади. Кийим русуми – спорт кийими.

Мусобақа қуйидаги тартибда ўтказилади:

спорт ҳаками томонидан иштирокчиларга машқни бажариш шарти ва хавфсизлик қоидалари етказилади;

спорт ҳаками томонидан югуриш учун дастлабки “Стартга”, “Диққат” ҳамда “Олга” буйруқлари берилади ва секундомер босилади;

“Олга” буйруғи билан иштирокчилар машқни бажаришга киришадилар ва “Финии” чизигини кесиб ўтганларидан сўнг, секундомер тўхтатилиб, натижалари қайд этилади.

Баҳолаш мезонлари: иштирокчиларнинг натижалари стартдан финишгacha бўлган масофани босиб ўтган вақтдан келиб чиқиб аниқланади ва энг кам вақт кўрсатган иштирокчи ғолиб деб топилади.

#### **в) Турникда тортилиш мусобақаси.**

Мусобақа шартлари: ҳар бир жамоадан 1 нафар (ўғил бола) иштирокчи қатнашади. Кийим русуми – спорт кийими. Машқни бажаришга – 4 дақиқа берилади.

Машқни бажариш шарти: машқни бажаришда қўл кафтлари турникда олдинга қаратилган ҳолда ушланиб, қўллар параллел узатилган ҳолда тутилади, тана бир оз букилган, оёқ тўғри туширилган, уни тўлиқ пастга узатилиб, товонлар жуфт тутилган ҳолатдан бажарилади.

Кўллар букилиб, тана юкорига кўтарилади, бунда жағ (ияқ) турник устига тўлиқ чиқарилган ҳолат қабул қилинади.

Кўллар яна тўлиқ узатилади, тана бир маромда пастга туширилиб, дастлабки ҳолатга қайтилади. Тананинг осилган ҳолати 3 сониядан кўп бўлмаган вақт давомида сақланади. Жуфт тутилган оёқларни  $45^0$  гача букишга рухсат берилади.

Танани силташ, оёқни олд-орқага тебратиш, оёқларни чалиштириш, бир қўлда осилиб олиш амаллари тақиқланади.

Баҳолаш мезонлари: турникда энг кўп ва машқни тўғри бажарган иштирокчи ғолиб деб топилади.

50. Мусобақа шартларида белгиланган тартибдаги кийим русумида бўлмаган иштирокчиларга “-5” балл ёки 15 сония жарималар қўлланилади.

51. Ўйинларнинг “Ўзбекистон тарихи билимдони” викторинаси саволлари “Ватанпарвар” ташкилотининг Марказий кенгаши томонидан тузилади ва иккинчи, учинчи ва тўртинчи босқичлар ўтказилишидан бир кун аввал маҳсус конвертга солиниб, Ташкилий қўмита аъзолари иштирокида муҳрланади.

### **VII. Ўйинлар натижаларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби**

52. Спорт ҳакамлари таркиби ҳар бир мусобақада жамоанинг эгаллаган ўринларининг умумий йифиндинисини ҳисоблаб чиқади ва ўйинларда I, II, III ўринларни эгаллаган ғолиб жамоаларни аниқлайди.

53. Агар якунда жамоаларнинг натижалари бир хил кўрсатилса, унда умумжамоавий ўринлар жамоалар томонидан энг кўп эгаллаган I, II, III ўринларга қараб белгиланади. Ушбу ҳолатларда ҳам бир хил натижа кўрсатилса, унда ҳарбийлаштирилган эстафетада ғолиб бўлган жамоага устунлик берилади.

54. Агар жамоа бирорта шартда иштирок этмаса, ушбу жамоага мусобақа якунига кўра кўрсатган натижаларидан қатъий назар энг сўнгги ўрин берилади.

55. Ўйинлар якунида масъул котиб томонидан баённома расмийлаштирилиб, барча спорт ҳакамлари томонидан имзоланади ва бош спорт ҳаками томонидан тасдиқланади. Ҳар бир мусобақанинг натижалар қайдномаси спорт ҳакамлари томонидан имзоланади.

### **VIII. Ўйин ғолибларини тақдирлаш тартиби**

56. Ўйинларнинг маҳалла босқичи ғолиблари қуидаги тартибда тақдирланади:

биринчи ўринни эгаллаган жамоага “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгаши раисининг I-даражали дипломи, ҳар бир жамоа аъзосига медаль ва қимматбаҳо совға топширилади;

иккинчи ўринни эгаллаган жамоага “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгаши раисининг II-даражали дипломи, ҳар бир жамоа аъзосига медаль ва қимматбаҳо совға топширилади;

учинчи ўринни эгаллаган жамоага “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгаши раисининг III-даражали дипломи, ҳар бир жамоа аъзосига медаль ва қимматбаҳо совға топширилади.

Биринчи босқичда I, II ва III ўринларни эгаллаган жамоалар аъзоларига қимматбаҳо совғалар “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгашлари ва Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шахар) бўлимлари ҳамда секторлар раҳбарлари томонидан ажратилади.

Шунингдек, ғолиб жамоаларнинг раҳбарлари “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгашлари раисларининг фаҳрий ёрликлари топширилади.

57. Ўйинларнинг туман (шахар) босқичи ғолиблари қуидаги тартибда тақдирланади:

биринчи ўринни эгаллаган жамоага “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгаши раисининг I-даражали дипломи, ҳар бир жамоа аъзосига медаль ва қимматбаҳо совға топширилади;

иккинчи ўринни эгаллаган жамоага “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгаши раисининг II-даражали дипломи, ҳар бир жамоа аъзосига медаль ва қимматбаҳо совға топширилади;

учинчи ўринни эгаллаган жамоага “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгаши раисининг III-даражали дипломи, ҳар бир жамоа аъзосига медаль ва қимматбаҳо совға топширилади.

Иккинчи босқичда I, II ва III ўринларни эгаллаган жамоалар аъзоларига қимматбаҳо совғалар “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгашлари ва Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шахар) бўлимлари томонидан ажратилади.

Шунингдек, ғолиб жамоаларнинг раҳбарларига “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгашлари раисларининг фахрий ёрлиқлари топширилади.

58. Ўйинларнинг худудий босқичи ғолиблари қўйидаги тартибда тақдирланади:

биринчи ўринни эгаллаган жамоага “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгаши раисининг кубоги, I-даражали дипломи, ҳар бир жамоа аъзосига медаль ва қимматбаҳо совға топширилади;

иккинчи ўринни эгаллаган жамоага “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгаши раисининг II-даражали дипломи, ҳар бир жамоа аъзосига медаль ва қимматбаҳо совға топширилади;

учинчи ўринни эгаллаган жамоага “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгаши раисининг III-даражали дипломи, ҳар бир жамоа аъзосига медаль ва қимматбаҳо совға топширилади.

Учинчи босқичда I, II ва III ўринларни эгаллаган жамоалар аъзоларига қимматбаҳо совғалар “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгашлари ва Ёшлар ишлари агентлигининг худудий бошқармалари томонидан ажратилади.

Шунингдек, ғолиб жамоаларнинг раҳбарларига “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгашлари раисларининг фахрий ёрлиқлари топширилади.

59. Республика финал босқичи ғолиблари қўйидаги тартибда тақдирланади:

биринчи ўринни эгаллаган жамоага “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши раисининг кўчма Кубоги, I-даражали дипломи, ҳар бир жамоа аъзосига медаль ва қимматбаҳо совға топширилади;

иккинчи ўринни эгаллаган жамоага “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши раисининг II-даражали дипломи, ҳар бир жамоа аъзосига медаль ва қимматбаҳо совға топширилади;

учинчи ўринни эгаллаган жамоага “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши раисининг III-даражали дипломи, ҳар бир жамоа аъзосига медаль ва қимматбаҳо совға топширилади.

Республика финал босқичида I, II ва III ўринларни эгаллаган жамоа аъзоларига қимматбаҳо совғалар “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши ва Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ажратилади.

Голиб жамоаларнинг раҳбарларига “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаш раисининг фахрий ёрлиғи топширилади.

60. Ўйинларнинг алоҳида спорт мусобақаларида яхши натижалар кўрсатган жамоалар Марказий кенгаш раисининг дипломи билан тақдирланади.

61. Ўйинларнинг алоҳида “Энг моҳир мерган”, “Энг яхши спортчи”, “Энг яхши билимдон” номинациялари бўйича энг яхши натижа кўрсатган иштирокчи Марказий кенгаши раисининг фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланади.

62. “Шунқорлар” ҳарбий-спорт ўйинларининг натижалари тўғрисидаги маълумот “Vatanparvar.uz” расмий сайтида жойлаштирилади.

## **IX. Ўйинларда интизом ва ички тартиб-қоидалари ҳамда хавфсизлик талабларига риоя этиш**

63. Ўйинлар иштирокчилари транспортда ҳаракатланганда, мусобақалар ўтказиладиган худудда ўрнатилган кун тартибига ҳамда мусобақа шартини бажариш вақтида хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этишлари шарт.

64. Иштирокчилар томонидан мазкур Низомда белгиланган шартларда кўрсатилмаган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади. Хавфсизлик қоидалари ва ўрнатилган кун тартибига риоя қилмаган жамоалар ўйинлардан четлаштирилади.

65. Ўйинлар давомида ўрнатилган кун тартиби ва интизомни бузган жамоаларга жарима баллари хисобланиши мумкин.

66. Ўйинларни хавфсизлик қоидалари асосида ўтказиш учун масъулият ташкилий қўмитага юклатилади.

67. Жамоа аъзоларининг хавфсизлик қоидаларига риоя этишлари ҳамда ҳар бир мусобақа шартларини бажаришига тайёргарлиги учун жавобгарлик жамоа раҳбарига юклатилади.

## **X. Ўйинларнинг моддий-техник ва молиявий таъминоти**

68. Ўйинларни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар Марказий кенгаш, худудий кенгашлар ва улар тасарруфидаги муассаса (ташкилот)лар, шунингдек, Ёшлар ишлари агентлигининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда жисмоний шахслар ушбу ўйинларга, шунингдек, алоҳида жамоаларга ҳомийлик қилишлари мумкин.

69. Ўйинларнинг маҳалла босқичини ўтказиш ҳамда ғолиб жамоаларни туман (шаҳар) босқичида иштирок этишлари билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар (жамоани тайёрлаш, транспорт ва бошқа) “Ватанпарвар” ташкилотининг тегишли ўкув муассаса (ташкилот)лари, секторлар (келишув асосида), Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари маблағлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда молиялаштирилади.

70. Ўйинларнинг туман (шаҳар) босқичини ўтказиш ҳамда ғолиб жамоаларни худудий босқичда иштирок этишлари билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар (жамоани тайёрлаш, транспорт ва бошқа) “Ватанпарвар” ташкилотининг тегишли ўкув муассаса (ташкилот)лари, маҳаллий ҳокимият органлари (келишув асосида), Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари маблағлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда молиялаштирилади.

71. Ўйинларнинг худудий (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар) босқичини ўтказиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар (ётоқхона, овқатлантириш, транспорт, ғолибларни тақдирлаш ва бошқа) “Ватанпарвар” ташкилоти худудий кенгашлари, Ёшлар ишлари агентлигининг худудий бошқармалари маблағлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда молиялаштирилади.

72. Ўйинларнинг Республика босқичини ўтказиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар (ётоқхона, овқатлантириш, ғолибларни тақдирлаш ва бошқалар) “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгashi, Ёшлар ишлари агентлигининг маблағлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда молиялаштирилади.

73. Худудий кенгашлар томонидан ўйинларнинг Республика финал босқичига юбориладиган ғолиб жамоани тайёрлаш ва транспорт билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар ўз маблағлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда молиялаштирилади.

## **XI. Якуний қоидалар**

74. Мазкур Низомга Ташкилий қўмита томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

75. Мазкур ўйинлар билан боғлиқ барча ҳужжатлар “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгashi аппаратининг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўлимида сақланади.